



100 китоб
тўплами

МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ-БУТА ЎСИМЛИКЛАР



44-китоб

AGROBANK

100 китоб түплами

МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ-БУТА ҮСИМЛИКЛАР

44-китоб



635.9
M24

Қишлоқ хұжалигини илмий асосда йүлга құймас
әканныз, соңда ривожланиш бұлмайды.
Ш. МИРЗИЕВ.

Хурматли дәхқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жағон миқёсіда ақолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг үрни ва ахамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилюна фойдаланиб, ақолини қишлоқ хұжалик маҳсулотлари билан кафолатпи таъминлаш, ҳосилдорлик ва манбаатдорликни янада ошириш, соңға илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Мұхтарам Президенттің Шавкат Мирзиев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йұллаган Мурожаатномасыда, камбағаллікни қысқартыриш ва қишлоқ ақолиси даромадларини күпайтиришда әнг тез натика берадиган омил бу - қишлоқ хұжалигидә ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоқида таъқидлаб үтділар.

Бу жарапа 2 қарта 2 минг доллардан каміда 5 минг долларгача етказиш устуров вазифа қилип құйилди ва қишлоқ хұжалигига әнг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилық, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни көнг жорий этишимиz лозимлиги белгілаб берилди.

"Агробанк" АТБ мамлакатимизда қишлоқ хұжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига қысса құшиш учун нағақат молиявий, балқи ижтимои лойиҳалар билан ҳам аграр соңға сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланған давлатлар қишлоқ хұжалигидә эришилған ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етуқ мутахассислари, олимлари билан ҳамкорлықда фермерлар ва ақоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат құлланмалар тұплами тайёрланды.

Тұпламда қишлоқ хұжалиги соңаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда тақрорий әкіш мұддатида етишириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чыкашып, ғаллачилық, дон ва дүккаклы экинлар, чорвачилық, балиқчилик, асаларичилық каби тармоқларнинг әнг илғор тажрибаларига оид көнг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилганды.

Ушбу лойиҳани келажақда тажрибали дәхқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соңға вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулохазалари ҳамда таклифлари асосида янада тақомиллаштирамиз.

Умид қиласыз, ушбу құлланмалар тұплами Сиз - дәхқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдалы бўлади.

Ҳосилингиз мұл-құл, даромадингиз баракалы бўлсин!

SDVO
Results markazi
Inv №_ бр 333 60.

Рустам Маматқұлов,
"Агробанк" АТБ Башқарув раиси.

УЎК 635.9

КБК 42.37

М 24

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: "Агробанк" АТБ

Тузувчилар:

Э.Т. Бердиев – Тошкент давлат аграр университети Манзарали боғдорчилик кафедраси профессори, қ.х.ф.д.

Тақризчилар:

У.И. Рӯзметов – Ўрмон хўжалиги илмий - тадқиқот институти Доривор ўсимликлар деҳқончилиги лабораторияси мудири, қ.х.ф.д. Катта илмий ходим.

М.З. Холмуротов – Тошкент давлат аграр университети Манзарали боғдорчилик кафедраси мудири, қ.х.ф.ф.д.

Лойиҳа иштироқчилари: У.Ф. Файзуллаев, М.С. Ҳайитбоев.

Муҳаррир: Г.А. Чоршанбиева – Шарқшунослик университети таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси ўқитувчиси, таржимон.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хуоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ тухфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021

© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021

© “Colorpack” МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-7170-0-8

МУНДАРИЖА

Кириш	7
Кўкаlamзорлаштиришда манзарали дараҳт-бута турларини физик-географик зоналар бўйлаб жойлаштириш	10
Замонавий кўкаlamзорлаштириш учун манзарали дараҳт-бута ўсимликлар ассортименти	17
Манзарали нинабаргли дараҳтлар	18
Манзарали япроқбаргли дараҳтлар	36
Манзарали буталар	65
Интеръер ва ёпиқ биноларда ўстириш учун манзарали ўсимликлар	92
Манзарали дараҳт-бута ўсимликлар кўчатларини парваришлаш	110
Манзарали дараҳт-буталарга шакл бериш	118
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	128

I КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорларида аҳоли яшаш ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўкаламзорлаштиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири инсон ҳаёти учун соғлом ва тўлақонли эстетик табиий мухит яратишdir. Бу маънода кўкаламзорлаштириш соҳаси ландшафтли қурилиш ва ландшафт архитектураси билан ҳамкорликда фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартағи 59-сон қарори билан “Замонавий архитектура-شاҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари” тасдиқланган, 2013 йил 13 августдаги 223-сон қарори билан эса “Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш Дастири” қабул қилинган ва унда белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Дараҳт-бута үсимликлари нафақат хомашё ва турли маҳсулотлар манбаи, балки табиий мухитни яхшиловчи асосий омиллардан биридир. Үсимлик дунёсининг ҳаётий фаолияти иқлимга ўз таъсирини ўтказади, яъни ҳаводаги CO_2 ва бошқа заарли газлар ҳамда тутунни ўзлаштириб заарсизлантиради, шаҳар ҳавосидаги чанг миқдорини камайтиради, шовқинни пасайтиради, дараҳтлар томонидан ажратилган фитонцидлар ҳаводаги касаллик қўзғатувчи бактерияларни нескин камайтиради.

Шаҳарларда яшил зоналар барпо этишга эътибор ку-чаймоқда, бизнинг иссиқ ва қуруқ иқлими шаротимизда дараҳт-бута ўсимликларининг, айниқса, нинабаргли ва доим яшил ўсимликларнинг аҳамияти жуда катта. Кейинги йилларда аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш тизимида манзарали нинабаргли дараҳтлар ва доим яшил буталар экиш кўлами ошди. Ўзбекистонда манзарали боғдорчиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири – кўкаламзорлаштириш учун шаҳар шароитларида яшил дараҳтзорлар барпо этиш учун биологик чидамли дараҳт-бута турлари ассортиментини кўпайтириш ҳисобланади. Доим яшил ва гулловчи буталар ҳам кўкаламзорлаштиришнинг энг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда мавжуд кўкаламзорлаштириш соҳаси учун ўсимлик турлари ассортименти чекланган бўлиб, уни кўпайтириш ва яхшилаш муҳимдир. Кўчатзорларда ностандарт, тасодифий уруғлардан кўпайтирилган ниҳолларни кўкаламзорлаштириш мақсадлари учун етишириш ярамайди. Шаҳарларда экишга мос бўлган, чидамли ва узоқ умр курадиган ҳамда қимматли манзарали куринишга эга нинабаргли дараҳтлардан қарағай, қорақарағай, биота, метасеквойя, арча турлари, япроқбаргли дараҳтлардан жўка, сохтакаштан, багряник, эман, ўткир баргли заранг, лола дараҳти, магнolia, каталъпа, софора, майда баргли қайрағоч, манзарали бутасимон ўсимликлардан спирея, магония, шамшод, нормушк, оддий настарин, ҳинд настарини, форзиция, юкка, капина, бульданеж, розмарин каби турларини экишга алоҳида эътиборни қаратмоқ лозим.

Тез ўсувлари дараҳт турларидан терак турлари, павлония, оққайин, толлар, айниқса, мажнунтол, жанубий вилоятлар учун эса софора, оқ акация, бундук, айлант, заранг, чинор

ва бошқалар диққатга сазовордир. Шаҳарлар ва туаржой массивларини безатишда, кўкаламзорлаштиришда кўпгина манзарали шаклга эга бўлган: пирамидасимон, шарсимон, шохлари осилиб турувчи (мажнунтолсимон), спиралсимон, устунсимон шаклга эга нинабаргли ва япроқбаргли дараҳтлар катта аҳамиятга эга.

Бугун мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидаги йирик ҳажмдаги қурилиш ишлари ва ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Демак, бундай объектлар атрофида замон талабларига мос келадиган кўкаламзорлаштириш ва ландшафт дизайни ишларини амалга ошириш керак бўлади. Бунинг учун маҳаллий шароитга мос келадиган ва қуруқ иқлим шароитларида bemalol ўсиб ривожланадиган, ёшлигидан шакл бериб парваришланган манзарали япроқ ва нинабаргли дараҳт кўчатларини етиштириш керак бўлади. Бунинг учун юқори дехқончилик маданиятига ва бўлган манзарали кўчатзорлар тармоғини кенгайтириш, уларда инновацион ғоялар ва илғор тажрибалар асосида етиштирилган манзарали дараҳт-бута турларининг кўчатлари миқдорини ва сифатини ошириш лозим.

■ | КҮКАЛАМЗОРЛАШТИРИШДА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ-БУТА ТУРЛАРИНИ ФИЗИК-ГЕОГРАФИК ХУДУДЛАР БҮЙЛАБ ЖОЙЛАШТИРИШ

Күкаlamзорлаштирилган худуд атроф-муҳит шаклланишида иштирок этса-да, у авваламбор табиий тупроқ-иклим шароитлар ва инсон фаолиятига бўйсунади. Худудни ҳўжалик нуқтаи назаридан ўзлаштиришнинг (шу жумладан, аҳоли яшаш жойларини кўкаlamзорлаштиришда) биринчи босқичи физик-географик худудлаштиришни ҳисобга олишдир.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ердан рационал фойдаланишни тўғри йўлга қўйишда физик-географик худудлар муҳим аҳамиятга эгадир. Табиий худудлар ўзига хос гидротермик, тупроқ ва ўсимлик ресурсларига эга бўлиб, бир-биридан уларда кечувчи турлича морфологик жараёнлар билан фарқланади. Шунинг учун ҳўжалик юритишида регионал тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш зарур.

Физик-географик худуд географик пояснинг йирик қисмини эгаллаб, муайян иссиқлик ва намлик нисбати билан характерланади. Физик-географик зоналар ва уларда муайян манзарали ўсимликларни жойлаштириш ва ўстириш имкониятларини ўрганиш аҳоли яшаш жойларини кўкаlamзорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон Евроосиё материгининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, жанубда субтропик кенгликларни ва шимолда мўътадил кенгликлар-

нинг жанубий чекка қисмини қамраб олган бўлиб, ички материк саҳро зонасига киритилган.

Ўзбекистон ҳудудининг характерли хусусиятларидан бири – физик-географик шароитларини кескин бир-биридан фарқ қиливчи геоморфологик белгиларга эга эканлигиdir. Ўзбекистон ҳудудида қум-барҳанлар денгизи, чексиз чўллар, қордек ерни қоплаган шўрҳоқлар, музликлари бор осмонўпар тоғлар ҳамда тропик жазира машина ва шимол совуғи – буларнинг барчаси ўз ўрнида ва ўз вақтида намоён бўлади.

Ўзбекистон Марказий Осиёning марказида жойлашган бўлиб, унинг ҳудуди шимоли-ғарбдан тики жануби-шарқقا қараб чўзилиб кетган, шу сабабли ҳам унда барча иқлимиy хусусиятлар ва табиий шароитларнинг турли-туманлиги яққол намоён бўлган. Бу ҳолат нафақат қишлоқ хўжалигида, балки ўрмон хўжалигида, шу жумладан, манзарали боғдорчилик ва ландшафтли қурилишда ўсимликларни жойлаштиришда инобатга олинади.

Мамлакатимизга Шарқда Помир-Олой ва Тянь-Шань тоғизмалари чуқур кириб келган, Ғарбда бўлса Турон пасттекслиги ерлари ястаниб ётади.

Мамлакатимизнинг катта қисми ($4/5$ қисми) текисликлар бўлиб, қолган қисми адирлар, тоғолди ва тоғли ҳудудларга тўгри келади. Амударё ва Сирдарё оралиғида Қизилқум саҳроси (300 минг km^2) жойлашган ва у асосан қумли барҳанли ландшафтлардан иборат. Жанубга томон у тоғолди-адирлар билан тулашиб кетган. Уларнинг энг йириклари Тошкент-Мирзачўл, Санзар-Нурота, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийлариидир.

Ўзбекистон иқлимининг ўзига хослигини унинг ҳудудини асосий намлиқ келтирувчи манбалар – океанлардан узоқлиги белгилаб берган. Атлантика океанидан келувчи ҳаво мас-

салари Марказий Осиёга етиб келгунча аста-секин намлиқ инварь булиб, унда ўртacha ойлик ҳарорат $-0,6^{\circ}\text{C}$ дан $-6,9^{\circ}\text{C}$ миқдорини йўқота боради. Ушбу худудда иқлим шакллани-гача булиши қайд этилган. $+5^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган вегетация шига саҳро етарли ўз таъсирини кўрсатади. Ўзбекистон худуди Тошкентда 264 кун, Жанубда (Шерободда) 321 кунни дудига кириб келаётган океан ҳаво массалари қизиган қум ташкил этади. Ижобий ҳароратлар йиғиндиси мамлакатишатҳи билан ўзаро таъсирга киришгач, янада қуруқлашади. мизнинг шимоли-шарқий қисмида $+4400^{\circ}\text{C}$ дан $+4500^{\circ}\text{C}$ ни,

Ўзбекистоннинг тоғлар билан ҳимояланмаган ва саҳрога жанубда $+4750^{\circ}\text{C}$ дан $+5100^{\circ}\text{C}$ гача, саҳроларда $+6000^{\circ}\text{C}$ гача очиқ турган текисликлари жуда қурғоқчиллиги билан ажра-бўлиши қайд этилган. Ўзбекистонда қишки даврда шимолий либ туради. Ўзбекистон худуди Турон иқлими провинциясига шимоли-шарқий шамоллар ҳукмронлик қиласи, улар-мансуб булиб, унга иқлимининг кескин континенталлиги, ҳа-нинг ўртacha тезлиги 1,5-2 м/сек га тенгdir.

Шундан келиб чиқсан ҳолда ва Ўзбекистон иқлимининг вонинг қуруқлиги ва ҳароратнинг баландлиги хосдир.

Марказий Осиё иқлимининг шаклланишида асосий түрли туманлиги унинг худудини 9 та физик-географик омиллар, иккита атмосфера маркази: қишки сибирь антицик-другларга ажратиш учун асос бўлган:

лони ва ёзги термик депрессия ҳал қилувчи роль ўйнайди. 1. Урта Сирдарё иқлим округи – худуднинг шимо-Мамлакатимизда ёғин миқдорининг тақсимланиши асосан шарқий қисмини қамраб олган.

нам ҳаво массаларининг йўналиши ва худуднинг рельефи 2. Фарғона иқлим округи – тоғлар билан уралган водий-хусусиятларига боғлиқ.

Энг кам ёғин миқдори саҳро зonasига тўғри келади, йил- 3. Урта Зарафшон иқлим округи – Зарафшон дарёсининг лик ёғин миқдори 80-120 мм атрофига булиши кузатилади. Урта оқими худудларини қамраб олган.

Аста-секин тоғолди худудларига яқинлашганимиз сари ёғин 4. Куии Зарафшон иқлим округи – Зарафшон дарёси-миқдори 400-550 мм га етади, ушбу худудларда лалмикорнини қуии оқимидағи худудларни қамраб олган.

боғдорчилик ва деҳқончилик соҳаларини ривожлантириш 5. Қизилқум иқлим округи – Марказий Ўзбекистон худуд-учун имкониятлар мавжуд.

Мамлакатимизнинг барча худудларида ёғин миқдори- 6. Кашиқадарё иқлим округи – Зарафшон ва Ҳисор тоғ-нинг йил давомида тақсимланишида мавсумийлик борли-тимлари этаклари оралиғидаги худудларни қамраб олган.

ги яққол кўзга ташланади. Асосий ёғин миқдори баҳорда, 7. Сурхондарё иқлим округи – Ўзбекистон жанубий худуд-камроғи куз-қиши даврида ёғади. Энг ёмғирли ойлар март ва парини қамраб олган.

апрель ойлари ҳисобланади. 8. Куии Амударё иқлим округи – мамлакатимиз худуди-

Ўзбекистонда ҳавонинг нисбий намлиги жуда паст: қиши шимоли-ғарбий қисмини қамраб олган.

ойларида 70-80% бўлса, ёзойларида унинг кўрсаткичи 25-30% ни ташкил этади. Ўзбекистоннинг текислик худудларида шарқий қисмини қамраб олган.

ўртacha йиллик ҳарорат $+15.17^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Энг совуқ ой Қизилқум ва Устюрт округларидан ташқари барча фи-

зик-географик иқлим округларида суфориладиган ерлар мавжуд ва уларда турли-туман қишлоқ хўжалик экинлари экилади. Бу каби ерлар 4 млн гектарга яқин.

Тошкент-Мирзачўл водийсининг жанубий текис қисми Мирзачўлга тўғри келади. Мирзачўл-бепоён текислик бўлиб, майдони $9,5 \text{ минг км}^2$ бўлиб, ҳозирги кунда йирик пахта етишириладиган худуд ҳисобланади. Жанубда Мирзачўг тўлқинсимон Жиззах чўлига, шарқда – Далварзин чўлига тулашиб кетади.

1-жадва

**Ўзбекистон вилоятлари бўйича аҳоли яшаш
жойларини кўкаlamзорлаштириш мақсадида
ўстириши мумкин бўлган манзарали
дарахт ва бута турлари**

№	Вилоятлар	Дараҳт-буталар ассортименти		
		Буталар	Япроқбаргли дараҳтлар	Нинабаргли дараҳтлар
1.	Қорақал-поғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	Аморфа, Юлғун, Қандим, Астрагал, Черкез, Лигуструм, Гибискус	Қайрағоч турлари, Гледичия, Шумтол, Софора, Жийда, Туранғил, Саксовул, Айлант, Оқ акация, Маклюра, Гўзал катальпа,	Биота, Виргин арчаси
2.	Бухоро, Навоий вилоятлари	Аморфа, Юлғун, Қандим, Черкез, Кум акацияси, Лигуструм, Гибискус	Қайрағоч турлари, Гледичия, Софора, Жийда, Айлант, Оқ акация, Саксовул, Маклюра	Биота, Виргин арчаси

3.	Самарқанд ва Жиззах вилоятиning текислик қисми	Аморфа, Юлғун, Черкез, Лигуструм, Гибискус, Шилви, Форзиция, Тотим, Дрок, Лагерстремия, Наъматак	Қайрағоч турлари, Гледичия, Софора, Жийда, Айлант, Оқ акация, Гинкго дараҳти, Саксовул, Маклюра, Чинор	Биота, Виргин арчаси, Элдор қарағайи, Ботқоқ сарв дараҳти, Қрим қарағайи, доимияшил сарв
4.	Самарқанд ва Жиззах вилоятиning тоғли қисми	Зирк, Бузина, Калина, Магония, Шилви, Форзиция, Пироканта, Наъматак, Гибискус	Ипак акацияси, Канада багрянниги, Дұлана, Жийда, Терак, Оқ акация, Айлант, Қоғоз тут дараҳти, Эман, Катальпа, Сохтакаштан, Заранг, Жұка, Совун дараҳти, Шумтол, Павловния,	Биота, Виргин арчаси, Туя, тиканли қорақарағайнинг мөвий шакли, Тянь-Шань қорақарағайи, Қрим қарағайи, Қора (Австрия) қарағайи, метасеквойя,
5.	Сирдарё вилояти	Аморфа, Юлғун, Қандым, Черкез, Лигуструм, Гибискус, Анор	Қайрағоч турлари, Гледичия, Шумтол, Софора, Жийда, Туранғил, Айлант, Оқ акация, Саксовул, Маклюра, Терак	Биота, Виргин арчаси, Қрим қарағайи
6.	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятининг текислик қисми	Аморфа, Юлғун, Қандым, Черкез, Кум акацияси, Лигуструм, Гибискус, Шилви, Форзиция, Тотим, Дрок, Наъматак	Қайрағоч турлари, Гледичия, Софора, Жийда, Павловния, Айлант, Оқ акация, Саксовул, Маклюра	Биота, Виргин арчаси, Элдор қарағайи, Сарв, Ботқоқ сарви

7.	Қашқадарё ва Сурхон-дарё вилоятининг тоғлиқисми	Зирк, Бузина, Калина, магония, шилви, форзиция, пироканта, наъматак, гибискус, шамшод, Ҳинд настарини	Ипак акацияси, канада багрятниги, дўлана, жийда, терак, оқ акация, айлант, қофоз дарахти, эман, каталпа, соҳтакаштан, заранг, жӯка, совун дарахти, шумтол, чинор	Биота, Виргин арчаси, Туя, Мовий ранг тиканли қарағай-нинг шакли, Тянь-Шан қорақарағайи, Қрим қарағай, Қора қарағай, метасеквойя,
8.	Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари	Зирк, Бузина, Калина, магония, шилви, форзиция, пироканта, наъматак, гибискус, шамшод, Ҳинд настарини, Дрок, Снежноядодник, настарин, скумпия, тотим	Ипак акацияси, канада багрятниги, дўлана, жийда, терак, оқ акация, айлант, қофоз тут дарахти, эман, каталпа, соҳтакаштан, заранг, жӯка, маклюра, софора, совун дарахти, шумтол, оқайян, терак, чинор, Павловния	Биота, Виргин арчаси, Сабина арчаси, Узун бандли арча, Туя, Тиканли қорақарағай-нинг мовий ранг шакли, Қрим қарағай, Тянь-Шань қорақарағайи, Қрим қарағай, Қара қарағай, метасеквойя, Сарви
9.	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти	Зирк, Бузина, Калина, магония, шилви, форзиция, пироканта, наъматак, гибискус, шамшод, Лагерстремия, Дрок, Вейгела, Будлея, Снежноядодник, Сирен, скумпия, сумах	Ипак акацияси, канада багрятниги, дўлана, жийда, терак, оқ акация, айлант, қофоз дарахти, эман, каталпа, соҳтакаштан, заранг, жӯка, маклюра, софора, совун дарахти, шумтол, оқайян, терак, чинор, Павловния	Биота, Виргин арчаси, Сабина арчаси, Узун бандли арча, Туя, Тиканли қорақарағайнинг мовий шакли, Қрим қарағай, Қрим қарағай, Тянь-Шань Қара қарағай, метасеквойя, Сарви

Фаргона водийси Тянь-Шань ва Ҳисор-Олой тоғ тизими оралыгыда жойлашган. Водийда пахта етиштириш, боғлар ва үзүмзорлар барпо этиш учун қулай иқлим-тупроқ шароитлари мавжуд. Водийда 1,5 млн тонна пахта хомашёсі еткашиб берилади. Суғориладиган майдонлар асосан дарё ётқизикларидан иборат. Водийнинг марказида саҳро типидаги тупроқлар, кум барханлари ва ботқоқсимон құллар учрайди, водий чеккалари баландлыги 1000-1200 м тоғларга тулашиб жеткін. Водий марказида Ёзвон чұли бўлиб, у ҳозирги пайтда деярли тўлиқ ўзлаштирилган.

Ўзбекистон саҳро зonasида ва тоғлар поясида ўзига хос ландшафтларни юзага келтирган ва улар шу худудга хос үсимлик дунёси билан боғлиқ. Текисликлар қум-саҳро үсимликлари билан қопланган бўлса, қуйи тоғолди худудларида прим саҳро үсимликлар, тоғолди худудларда турли ўтсимон үсимликлар, тоғларда дараҳт-буталар айниқса, арчазорлар билан ўзига хос табиий ландшафтлар юзага келтирган. Тоғ үрмонларида асосий үрмон ҳосил қилувчи турлар – арча турлари зарафшон, яримшарсимон ва туркистон арчалари кенг тарқалган (Қурама, Бойсун, Туркистон тоғ тизмаларида үзин арча үрмонлари мавжуд).

I ЗАМОНАВИЙ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ УЧУН МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ-БУТА ҮСИМЛИКЛАР АССОРТИМЕНТИ

Шаҳарларда аҳоли яшаш шароитларини комфорт дара-
жасига кутариш, дам олишини таъминлаш, шаҳардаги сани-
тар гигиеник ҳолатни яхшилаш, микроклиматни юзага кел-

тириш ва соғломлаштирувчи яшил худудлар майдонларини кенгайтиришда манзарали яшил дараҳтзорларнинг роли баланд. Кўкаламзорлаштириш учун қўлланилаётган манзарали дараҳт-бута турлари ассортиментини бойитиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кўкаламзорлаштириш мақсадида тавсия этилаётган дараҳт-бута турлари манзарали кўринишга эга булиши билан бир пайтда шаҳарнинг турунли-газли ва чангли муҳитига биологик чидамли булиши ва архитектуравий ва санитар-гигиеник талабларга ҳам жавоб бериши лозим. Қўйида Ўзбекистон шароитларида шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш учун тавсия этилган асосий дараҳт-бута турларининг қисқа тавсифи келтирилади.

МАНЗАРАЛИ НИНАБАРГЛИ ДАРАХТЛАР

Узун бандли арча (*Juniperus oblonga*). Сарвидошлар оиласига мансуб баландлиги 12-18 м, диаметри 25-40 см келадиган, шоҳ-шаббаси тухумсимон шаклдаги дараҳт. Пустлоғи қизғиши-сариқ рангда ёки қунғир-кулрангда, юпқа пусташлаб туради. Куртаклари 0,3 см узунликда булиб, тангачасимон нинабарглар билан қопланган. Новдалари ингичка уч қиррали. Нинабарглари қиррали, новдада 3 тадан булиб доира шаклида жойлашган. Нинабаргларининг юз томонида ёриқчалар ва мум қавати бўлганлигидан оқиш кўринади орқа томони ялтироқ, узунлиги 1-1,5 см, эни 0,6-1,5 см гача булиб, туви бўғимли. Нинабарглари дараҳтда 4 йилгacha сақланади.

Узун бандли арча апрель ойида чангланади. Оналар куббалари шамол воситасида чангланади. Уруғчиси уруглангандан кейин уруғ тангачалар ўзаро қўшилиб ўсиб, ширали қубба – «юмшоқ мева» ҳосил қилади. Келгуси йили қуббалар этли булиб етилиб, ҳаворанг қаватга ўралиб олади юн қора-кўкиш рангга киради. Ичи 1-3 уруғли, яшил-қунғир рангли, смолали, ширин этли бўлади. Кубба иккинчи йили қилади. Уруғи чўзинчоқ, қалин пустли, уч қиррали, қунғир рангда, смолали безлари бор. Узунлиги 3,5-5 мм, эни 2-3 мм. 1000 дона уруғининг оғирлиги 18 г келади. Бир килограммда 17600 атрофида уруғ булиши мумкин.

Узун бандли арча уруғдан кўпаяди, лекин уруғи тиним даирiga эга эканлигидан жуда секин униб чиқади. Кузда сепилгани келгуси йили баҳорда, баҳорда сепилгани эса кунингти йилнинг баҳорида униб чиқиши мумкин. Уни паршиш қилиб, қаламчадан ва пайвандлаб ҳам кўпайтириш мумкин.



Узун бандли арча (*Juniperus oblonga*)

У совуқقا ва қурғоқчиликка чидамли дараҳт. Қисман соя-севар, қумли, оҳакли сернам тупроқда яхши ўсади. Тупроқ шўрига, ҳавонинг ифлосланишига чидамсиз.

Узун бандли арчанинг манзарали шакллари шаҳарларда паркларга, кӯчаларга экилади, ландшафт қурилишда кенг фойдаланилади. Гуруҳ-гуруҳ ҳолида ва аллеяларга экиш тавсия этилади.

Виргин арчаси (*Juniperus virginiana*). Сарвидошлар оиласига мансуб баландлиги 15-30 м га етадиган дараҳт. Шоҳ-шаббаси тор тухумсимон ёки ёйик. Бу арча танасининг тубидан шоҳлайди, кейинроқ бу шоҳлари қуриб тушиб кетади. Пўстлоғи кул ёки қўнғир-қизғиш рангда, новдалари ингичка, яшил кулрангда, тўрт қиррали. Нинабарлари қарама-қарши жойлашади. Ён новда ёки шоҳчаларидаги барглар майда, тангачасимон бўлиб, узунлиги 1-2 мм дан ошмайди. Баргларида узунчоқ смола безлари бор.

Қуббалари 5 мм узунликда, шар шаклида бўлиб, биринчи йили етилади. Унда 1-3 та уруғ ривожланади. Уруғининг узунлиги 3,5-4 мм, эни 2-2,5 мм, юмалоқ тухумсимон, учи ўткір, ялтироқ, қаттиқ қобиқли. 1000 дона уруғининг оғирлиги 2,5-2,6 г келади. Уруғлар униб чиқиш хусусиятини З йилгача сақлайди. Бу арча тури ҳам уруғдан кўпаяди. Уруғи сепилгандан кейин иккинчи йили униб чиқади. Виргин арчаси Шимолий Американинг ғарбий ва шарқий штатларида табиий ҳолда тарқалган. Бу арча тупроқ танламайди, қуруқ тошли, қумли ва ботқоқ ҳамда нам шўртоб тупроқларда ўсаверади.



Виргин арчаси (*Juniperus virginiana*)

Қурғоқчиликка, ҳавонинг ифлосланишига, сояга чидамили. Ёғочи ўзакли, юмшоқ, хушбўй ҳидли бўлиб, қалам ишлаб чиқаришда кўп фойдаланилади, шунинг учун унинг иккинчи номи "қалам дарахти" деб ҳам аталади.

Бу арча тури Ўзбекистонга энг муваффақиятли интродукция қилинган арча тури ҳисобланади, республикамизнинг жазира маҳалласида ёзи ва қуруқ иссиқ ҳавосига бемалол чидамиди, шакл берилишига мослашувчан. Тошкент шаҳридаги қўйаламзорлаштириш мақсадида экилган арчанинг 80% га йишини шу арча турига тегишилди. Ландшафт қурилишида көнг фойдаланилади.

Сабина арчаси (*Juniperus Sabina*). Сарвидошлар оиласига мансуб бу арча турининг тарқалиш ареали Россиянинг

Үрта Дон ва Жигули тоғлари, Оренбург вилояти, Тарбагатай, Сибирь ва Қозоғистоннинг дашт минтақасидаги унча баланд бұлмаган тоғлари билан чегараланган. Бу арча Олтой, Саян тоғларида, Марказий Осиё, Крим ва Кавказнинг шимолий қисмидаги тоғларда ҳам үсади.

Сабина арчаси Марказий Осиёдаги арчазорларнинг юқори тарқалиш чегараларида денгиз сатхидан 2800-3200 м баландлыкларда ҳам үсади. Баландлиги 1,5 м гача, баъзан 5 метртеги етадиган кичик дараҳт бұлиб, күп ҳолларда ер бағирлаб үсувчи шох-шабба ҳосил қиласы. Нинабарлари танга-чалар билан қопланган, 1-2 мм узунликта бўлиб, новдада 3 йилгача үсади.



Сабина арчаси (*Juniperus Sabina*)

Сабина арчаси апрель-май ойида гулладайды. Икки уйли үсимлик ҳисобланади, қуббалари 8 мм, энига кулранг-қора рангда, оқиши-күкиш ғубор билан қопланган 2-6 мм мева бандида осилиб туради. Бу арчанинг илдиз тизими тупроқнинг юза қисмida жойлашади, тупроққа ва намга кам талабчан. Совуққа чидамли, секин үсади. Бу тур асосан уруғидан ва қаламчаларидан күпаяди.

Нинабарги, қуббаси ва шохларида заҳарли хоссаларга зифир мойи мавжуд. Бу арча тури бошқа турлар билан арзулар ҳосил қиласиди, улар сувни сақлаш, тупроқни ҳимояш каби муҳим ўрмон мелиоратив функцияларни бажалилар. Ландшафт композицияларини барпо этишда кенг планилади.

Доим яшил сарв (*Cupressus sempervirens*). Сарвидошлар юсига мансуб бўлиб, баландлиги 25 м гача етадиган зич шаббали тик ўсуви дараҳт. Сояга чидамли, айниқса даврида бошқа дараҳтзорларнинг шоҳ-шаббалари тида кўп вақт сояга чидайди. Бундан ташқари, узоқ вақт манғий -20 °C гача ҳароратга чидайди.

Тупроқка кам талабчан, тошлок, оҳакли, ҳамда қуруқ ен-тупроқларда ҳам ўсади, аммо тупроқ кучли шўрланмаган ўзи зарур. Юмшоқ, чукур тупроқларда яхшироқ ўсади. Намли тупроқларда кўп яшамайди ва шамолдан за-планиади.



Доим яшил сарв (*Cupressus sempervirens*)

Шаҳар шароитига, айниқса унинг газли мұхитига чидамли. Ландшафт қурилишда кенг құлланиладиган сарв тури ҳисобланади, ёшлигидан шакл бериб етиштирилади. Унине колоннасимон ва пирамидал шох-шаббаларини кесиб ҳар хил шаклларни ҳосил қилиш мүмкін.

Фарб түяси (*Thuja occidentalis*). Баландлиги 10-12 м, диаметри 1 м келадиган Сарвидошлар оиласига мансуб дараҳт Айрим дараҳтларининг баландлиги 30 м гача ҳам етади. Шох-шаббаси пирамидасимон ва жигаррангда. Катта ёшида танаси пўстлоғини ташлаб туради. Бирламчи ва иккиламчи новдалари ясси бўлиб, ясмиқчали. Улар учинчи йили цилиндр шаклига киради. Шох-шаббаси зич жойлашган.

Барглари ёзда тўқ яшил, қишида яшил-қунғир рангда бўлади, смола безлари йўқ. Юқори новдалардаги барглари ўткир учли, қаттиқ, ён новдаларидагиси тўмтоқ ва овал шаклда бўлиб, новдага ёпишиб жойлашади. Улар дараҳтда 2-3 йилгача сақланади. Фарб түяси бир уйли ўсимлик. Қуббалари 5-6 жуфт тангачадан иборат бўлиб, чўзиқроқ-тухумсимон, бўйи 10-15 мм. Улар кузда етилади, бу вақтда тангачалари очилиб, ичидан қанотчали уруғлари тўкилади. 1000 доң уруғининг оғирлиги 1,4 г келади.



Фарб түяси (*Thuja occidentalis*)

Іуя дараҳти уруғидан яхши кўпаяди. Қаламча ва пайванд бўлиб, пархиш йўли билан ҳам кўпайтириш мүмкін. Олти ёшида чанглана бошлайди. Секин ўсади, соясевар дараҳт бўлиб, унумдор ерларда яхши ўсади. Унумсиз ерда барглари кўпайади. Қурғоқчиликка ҳам, совуқча ҳам чидамли.

Бу тур Япониянинг Хондо оролида денгиз сатҳидан 1000-1500 м баландликдаги ўрмон минтақаларида табиий тарқалади. Бу ерларда йирик ўрмонзорлар ҳосил қилган. 100 йил ўзаклини мүмкін. Ёғочи ўзакли, смоласиз, юмшоқ, енгил пустлаги ва баргига С витамин бўлиб, у цинга касаллигига даводи. Шунинг учун уни «ҳаёт дараҳти» деб ҳам атashади.

Фарб түяси ҳавонинг ифлосланишига чидамли, яшил тўғри, яратишда қулай дараҳт ҳисобланади. Унинг манзарали ҳисоблари бор. Туяни якка-якка, гуруҳ ёки қатор қилиб экиш тикия этилади. Лекин ниҳоллари ёш вақтида иссиқдан заарланади, шунинг учун соя жойларга экиш мүмкін.

Шарқ биотаси, Платикладус (*Biota orientalis*). Сарвидошлар оиласига мансуб дараҳт ёки бута, баландлиги 10 метрга тиклайди. Танасининг пўстлоғи тўқ кулрангда, пўст ташлаб туради, шох-шаббаси пирамида шаклида бўлиб, вертикал ўсадиган новдалардан тузилган. Новдалари ясси, пишиқ, яшил рангда. Барглари нинасимон, тангачасимон бўлиб, учи ўткир, бўни, тиник яшил рангда. Шарқ биотаси бир уйли ўсимлик.

Асосан уруғидан кўпаяди, қаламчадан ҳам кўпайтириш мүмкін. У секин ўсади, соясевар, иссиқевар, қурғоқчиликка чидамли, катта ёшида совуқча ҳам чидамли, газларга чидамли. Ҳар хил тупроқда ўсаверади. Лекин оҳакли қумлок тупроқларда яхши ўсади. Илдизи бақувват ривожланган. Шоғлари эгилувчан бўлиб, шамол таъсиридан ва қор босиб кўпашидан заарланмайди.



Шарқ биотаси, Платикладус (*Biota orientalis*)

Шарқ биотасининг қалин, шарсимон шох-шаббали ва эгилиб үсувчи шакллари бор. Баъзилари пакана, бошқалари баланд бўйли, нинабарглари яшил зангори, оқ-сарғишинда булиб, жуда чиройли. МДҲ нинг жанубий минтақаларидаги шаҳар ва паркларда кўплаб ўстирилади. Ландшафт қурилишида биотани якка-якка ёки гурӯҳ қилиб экиш тавсия қилинади.

Бу манзарали ўсимлик Ўзбекистон шароитларида яхши ўсади, айниқса унинг компакт шох-шаббали шакли ландшафт қурилишида кенг кўпланилади. У аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

Крим қарағайи (*Pinus pallasiana*). Баландлиги 35 м, метри 1 метргача етадиган дарахт. Танасининг пўстлоғи кулрангда, шохлариники эса қизғиши рангда. Куртаклари ўсимон, учи ўткир, смола билан қопланган. Нинабарг-зи түк яшил, қаттиқ, ялтироқ, учи ўткир, узунлиги 8-16 см тиб, оддий қарағайниниға нисбатан икки марта узун. Улар 2 тадан тўда бўлиб жойлашади. Куббаси йирик. Май ида чангланади.

Ургулари қуббаси чангланиб уруғлангандан сўнг иккин-йилда ётилади. Ётилган қубба сариқ-қўнғир рангда, узун-5-10 см, оддий қарағайниниға нисбатан йирик бўлади. Йирик, узунлиги 6 мм, қанотчали. Бу қарағай ҳам купаяди ва очиқ ерларда яхши ўсади. 500-600 йилга виши мумкин. Ўқ ва ён илдизлари яхши ривожланади.




Крим қарағайи (*Pinus pallasiana*)

Бу қарағай совуқса ҳам, иссиқса ҳам чидамли, қурултайдын оңтүстүрүшінде охакли, құмли ва құмлоқ тупроқлы ерларда айниңса, яхши жаңы мөттүр баландликкача үсади. Ушбу қарағай тури МДХда үсади. Ёғочи пишиқ, смолали, үзаги сариқ ёки қызығыш, атрофиялык жаңубий қарағай тури ҳисобланади. Элдор қарғай сариқ ранглидир.

Қарағай халқ хұжалигыда катта аҳамиятга эга. Унинг жаңы миқдори билан қаноатланади. Ёзги ойларда ёмғир ёғочидан кемасозлиқда ва турли бинокорлик ишләридеги етмайды. Бу ерларда улар алохидада дарахт ёки кичик фойдаланилади. Унинг смоласидан скипидар ва канифолдерге айзорлар күренишида үсади. Апрелда гуллайды, қуболинади. Қарағай ихота дарахтзорлари барпо қилиш жаңы 2 йил давомида (20-22 ой) этилади, 3-4 йили очилади күкаlamзorлаштириш мақсадларида күплаб экилади.

Табиий ареалида оддий қарағай ва эман билан биргешеди. Узбекистон шароитлари учун кам учрайдиган соликда үсади ёки табиий қарағайзорлар ҳосил қилади. Украина (-28°C) қайд этилди. Тошкент шаҳрига экилган элдор инада күкаlamзorлаштириш мақсадларида күплаб экилады. Годданарининг 70-80% сақланиб қолди ёки қисман за-
Ўзбекистонда Самарқанд, Тошкент, Андижон вилоятларында. Бу ҳолат элдор қарағайини юқори мослашувчан-
ҳамда Пискент шаҳрида 100 ёшдан ошган крим қарағайини курсатади. Тез үсиши ва қуруқ иссиқлардан зарар-
дарахтлари ҳозирда ҳам яхши үсіб турибди. Ахоли туралындағы каби хусусиятлари уни күкаlamзorлаштириш
жойларини күкаlamзorлаштиришда ва ландшафтлар барпо этик болли турға айлантирган. Ахоли турар жойлары-
етишида кенг құлланилади.



Элдор қарағайи (*Pinus eldarica* Medw.)

Элдор қарағайи (*Pinus eldarica*) Табиий шароитларда үсади. Ушбу қарағай тури МДХда үсади. Ёзги ойларда ёмғир жаңайын тошлоқ ерларда үсіб, бу ерларда ёғувчи 200 мм йил-

шынында атрофиялык етмайды. 2007-2008 йилнинг қаҳратон

шынында атрофга ёйилади. 2007-2008 йилнинг қаҳратон



Қора (Австрия) қарағайи (*Pinus nigra*)

Қора (Австрия) қарағайи (*Pinus nigra*) Бу қарағай туржанубий ва ўрта Европада кенг тарқалган ва қrim қарағайига яқин тур ҳисобланади. Баландлиги 30 метргача ва таидиаметри 1 метргача бўладиган пирамидал шаклда шох-шабасига эга тур. Нинабарглари тўқ-яшил 7-16 см узунлик мустаҳкам. Бу тур ёруғсевар ва иссиқсевар ҳисобланад. Курғоқчиликка ҳам чидамли. Тупроққа талабчан эмас. Ўсиши ва қуруқ иссиқлардан зарарланмаслиги каби хусудятлари уни кўкаламзорлаштириш учун истиқболли турга алантирган. Аҳоли турар жойларини кўкаламзорлаштириша ва ландшафтлар барпо этишда кенг қўлланилади. Автомбиль йўллари чеккасида аллеялар барпо этиш учун мос драхт тури ҳисобланади.

Шренк Тянь-Шань қорақарағайи (*Picea schrenkiana*) Катта дарахт бўлиб, баландлиги 30-35 м га, диаметри 1-1,5 етади. Шох-шаббаси конус ёки тор пирамида шаклида, пулоги юпқа, тўқ қўнғир рангда, таркибида ошловчи модбор. Новдалари тукли ёки туксиз, оч сарғиш рангда. Дарёдирия шаклида шохланади, шохлари ёйилиб осилиб ўсади.

Куртаги тухумсимон, юмалоқ шаклда, учи тумтоқ, нишбарглари йирик, бўйи 2-4 см, 4 қиррали, чизикли, ўткир учун бир оз эгик шаклда бўлиб, зангори яшил рангда. Барглар нинг юқориги қирраларида ёриқчалар (3-6 та) бор. Барглар новдада спираль шаклда жойлашади. Шох-шаббасини ички қисмидаги барглар тўқ яшил рангда. Қорақарағай бўйли ўсимлик. Қуббалари биринчи йили етилади. Бу пай узунлиги 16 см га, диаметри 4-5 см га етади. Улар дарахтни учки қисмида калта бандчада жойлашади. Унинг тангачаири бутун (яхлит), букик, юмалоқ, ялтироқ, бўйи 2,2-2,5 см, 1,5-1,8 см бўлиб, жигаррангда.

Күртаги тухумсимон, юмалоқ шаклда, учи тұмтоқ, нинаң пари иирик, бүйи 2-4 см, 4 қиррали, чизиқли, үткір учли, көз озғылғанда булып, зангори яшил рангда. Баргларине жаңы юқориги қирраларыда ёриқчалар (3-6 та) бор. Барглар оңдағанда спираль шаклда жойлашади. Шох-шаббасининг оңдағандағы кисмидаги барглар түқ яшил рангда.



Расм. Шренк қорақарагайы (*Picea schrenkiana*)

Уруғи 4-5 мм, тухумсимон шаклда бўлиб, қўнғир рангда, қанотчали. Қанотчасининг бўйи 1,5 см, эни 0,5 см, қўнғир рангда, тескари тухумсимон.

Бу қорақарағай уруғидан яхши кўпаяди. Ҳавонинг ва тупроқнинг бироз қуруқлигига чидамли. У Тянь-Шанда 3000 м гача баландда ўсади. Ер танламайди, тошли ерларда, тоғдарёлари бўйида, тоғ қияликларида кўпроқ учрайди.

Марказий Осиёда табиий учрайдиган ягона қорақарағай тури ҳисобланади. Уни Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларини кўкаламзорлаштириш учун фойдаланиш кенг тавсия этилади. Шаҳарларда аллеялар барпо этишда, ландшафт паркларида фойдаланиш учун истиқболли тур ҳисобланади.

Тиканли қорақарағай (*Picea pungens*). Бу қорақарағай турининг ватани Шимолий Америка тоғлари ҳисобланади. Дарахтнинг баландлиги 45 метргача, диаметри 1,5 метргача етади. Нинабарлари узунлиги 2-3 см, тўрт қиррали, кучли тикансимон, яшил, ғуборли ва мовий рангли.



Тиканли қорақарағайнинг (*Picea pungens*) мовий шакли

Новдалари оловранг-жигарранг тусда. Куртаклари кенг қанотчали, оч жигарранг, смолосиз. Қуббалари 5-10 см узунда иўғонлиги 2-3 см, цилиндричесимон, чўзинчоқ, бироз бури, оч жигарранг тусда.

Ургулари қанотчали, шамол ёрдамида тарқалади. Ислак, совуқларга ва қурғоқчиликка чидамли, лекин қуёшдан тик нурларида нинабарлари заарланади. Тиканли қорақарағайнинг мовий кумушсимон тусли шакллари манзараларини жиҳатидан қорақарағайлар орасида тенги ҳисобланади. Хиёбонлар, парклар, аллеяларда экиш турнистиқболли тур ҳисобланади. Ландшафт обьектларида тикнаб тикиладиган манзарали тур ҳисобланади.

Глиптостробуссимон метасеквойя (*Metasequoia glyptostroboides*). Таксодийдошлар оиласига мансуб йирик дарахт бўлиб, баландлиги 50 метрга, диаметри 2 метрга етади. Шоҳ-шаббаси тухумсимон шаклда. Пўстлоғи жигаррангда. Тиканлари пўстлоқларини ташлаб туради. Новда ва барглари қарама-қарши жойлашади. Метасеквойянинг новдалари ён ва калта бўлиб, ён калта новдалари яшил рангда, қишида тиканлари билан бирга тўкилиб кетади.

Метасеквойя дарахти симподиал типда шохланади. Шунга ура унинг шоҳ-шаббаси ён томонга қараб ўсади. Ён шохланадиги бурчак ҳосил қилиб жойлашади. Куртаклари тухум симонда, йирик, жигарранг, юпқа тангачалар билан ўралган, купинча 2 тадан жойлашади. Нинабарлари 0,8-1,25 см малинин, нозик бўлиб, новдада қарама-қарши жойлашади. Уларнинг юз томони тўқ яшил, орқа томони зангори яшил өнди бўлиб, силлик тузилган, бандсиз. Метасеквойя бир ажда үсимлик, б ёшида балогат ёшига етади ва чангланади. Силлик қуббалари новдасининг учидаги барг қўлтиғида жойлашади. Улар 5 мм узунликда бўлиб, шингилча ҳосил қиласади.

Гулён барглари бут шаклида жойлашган. Гулбанди 3 мм иштаги пайтда бу тур Марказий Хитойнинг ғарбий туманла-узунликда, микроспорофили калта бандчали. Оналик қуббада сақланиб қолган ва ўша худудда кўплаб ўсади. У таби-балари навдада биттадан жойлашади, узунлиги 8 мм, гулён тида сояроқ, нам ерларда, тоғ қияликларида, дарё қирғоқла-барглари ҳам буларда бутсимон жойлашган, улар овал ёқирида, қумоқ, нордон тупроқларда ўсади. учбурчак шаклида. Гулбанди 4 мм узунликда бўлиб, баргси: Куббалари тўқ жигаррангда, новдада осилиб туради. Улар биринчи йили етилади.



Глиптостробуссимон метасеквойя (*Metasequoia glyptostroboides*)

Кубба тангачалари қарама-қарши жойлашади, ҳар қай уруғидан ва қаламчасидан, тўнкасидан бачки новда чиқариб си тангача тагида 5-9 тадан уруғ ривожланади. Уруғи ясси кўкаради. Кавказнинг кўп худудларида йўл чеккаларига юпқа, тухумсимон бўлиб, учки томони бир оз ўйиқ. Метасеквойя уруғидан осон кўпаяди. У ўқ илдиз ва ён илдизла чиқаради. Уни қиши қаламчасидан кўпайтириш мумкин.


Метасеквойя Хитойда шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда кўп экилади. Совуққа ва қурғоқчиликка чидамли. Ёғони сифатли. Кейинги йилларда метасеквойя Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштиришда ва ландшафт қурилишида кенг кулланилмоқда.

Икки парракли гинкго (*Ginkgo biloba*). Гинкго қадимий дараҳт, у 250 млн йил аввал ер юзида пайдо бўлган ва кенг урмонзорлар юзага келтирган. Унинг битта биологик чидамли ушбу тури бизнинг давримизгacha етиб келган. Гинкго билоба моноподиал типда шохланадиган сийрак шох-шабвали реликт дараҳт, баландлиги 30-40 метр, диаметри 1,5-4,5 метрга етади.

Танаси оқиш, кулранг тусда. Новдаси узун, шохчалари кепта, оқиш кулранг. Куртаги конуссимон шаклда, қўнғир ригда. Барглари узун бандли, барг пластинкаси елпифичимон шаклда, эни 5-10 см, чети чуқур ўйиқли, 2-3 бўлмали, пинин пустли, туксиз, оч яшил рангда. Барг бандининг тоғларлари дихотомик шохланган, барглари новдада спиралсимон, шохда эса 2-5 тадан тўп-тўп бўлиб жойлашади. Пояси на илдизи анатомик тузилиши жиҳатидан нинабарглиларнига ўхшайди.

Гинкго дараҳти -30 °C гача совуққа чидайди. Гингко тангачалари қарама-қарши жойлашади, ҳар қай уруғидан ва қаламчасидан, тўнкасидан бачки новда чиқариб си тангача тагида 5-9 тадан уруғ ривожланади. Уруғи ясси кўкаради. Кавказнинг кўп худудларида йўл чеккаларига юпқа, тухумсимон бўлиб, учки томони бир оз ўйиқ. Метасеквойя уруғидан осон кўпаяди. У ўқ илдиз ва ён илдизла чиқаради. Уни қиши қаламchasидан кўпайтириш мумкин.

Ватани Хитой ҳисобланади ва у ерда 2000 ёшга кирганны дараҳтларни учратиш мүмкін. Ландшафт қурилишда көнг құлланилади, аллеяларда, хиёбонларда ва паркларда күплаб әкілмоқда. Тошкент шароитида яхши үсади, қорумалы дағындықта да жағдайды. Тарихи мәдениетде әсемдік мүнисиқа да қарастырылады.



Гінкго билоба (*Ginkgo biloba*)

Ін барғчалари ингичка, құзинчоқ бўлиб, тез тўкилиб келади. Барглари тулиқ ёзилиб бўлганда (апрель-май ойларидан) гуллари жиёнлайди. Гуллари йиғилиб, 35 см узунликда бўлган гулларни ҳосил қиласида. Бу бошоқда ҳам чангчи, ҳам уруғчи ғафталарни ғиқат чангчи гуллари ривожланиши мүмкін.



Оддий сохтакаштан (*Aesculus hippocastanum*)

■ МАНЗАРАЛИ ЯПРОҚБАРГЛИ ДАРАХТЛАР

Оддий сохтакаштан (*Aesculus hippocastanum*) Баландлиги 40 м га етадиган йирик дараҳт бўлиб, танаси кам шохланган, пўстлоғи қалин, бўйига ёрилган, құнғир-жигаррангда Новдалари қиррали, аввал тукли, яшил-қизғиши рангли, сұнғын-құнғир-қизғиши рангга киради, барглари спираль шаклда жойлашади, кузда тўкилиб кетади. Банди калта, барг пластилинкаси көнг ланцетсимон, дағал, четлари йирик тищчали патсимон томирили.

Сохтакаштан одатда бир уйли ұсимлик бўлса-да, иккита туплари ҳам учрайди, бу пайтда бирида фақат чангчи, иккиминчисида уруғчи гуллар бўлади.

Сохтакаштанинг гуллари шамол воситасида ва ҳашашотлар ёрдамида чантланади. Уруғчи гуллари 1-3 тадан бўйи жойлашади. Улар тўрт ұрама ичида яширин ётади, гулларни пайтида эса фақат тумшуқчаси ва қисман гулқурғонириниб туради. Нектарли ұсимлик ҳисобланади.

Ёнғоқ меваси октябрь ойининг бошларида етилади ва ноябрь ойи давомида ерга түкилади. Бу вақтда қаттық ти канли шарсимон ұрамаси 4 қисмга ажralади. Ұрама ичиде 1 тадан 3 тагача ёнғоқ булади. Меваси юпқа ёғочланган дағал, жигаррангда, ялтироқ, туб қисмida рангли дөғи бор. Ёнғоги шарсимон, тухумсимон булыб, ёнидан эзик. Уруғи эндоспермасиз, эмбриони оқ-сарық рангда, уруғ палласи серет, пластик моддаси жуда күп.

Сохтакаштан ёш вақтида тез үсади. Илдизи үқ илдиз булыб, ерга чуқур кириб боради. Тұнкасидан құкаради, күп ийи яшайды, 1000 үйлік дараҳтлари қайд этилган. У Кавказнинг ғарбий ҳудудидаги үрмөнзорларда, Кичик Осиёning шимолий қисмida ва Үрта Ер денгизи атрофидаги ҳудудлариден асосан Болгария ва Грецияда көнг тарқалған. Шимолий Кавказнинг төғ қияликларида, Оқдарё водийсіда үрмөнзорлар ҳосил қиласы.

Сохтакаштан Үзбекистонда ахоли яшаш жойларини күкаламзора шырында истиқболли түр ҳисобланади. Сохтакаштан аллеяларда, хиёбонларда, йүлаклар ва автотрасалар чеккаларыда әкиш учун тавсия этилади. Сохтакаштан курук иссиқ ва құрғоқчиликка чидамли түр ҳисобланади. Ландшафт курилишида көнг фойдаланилади.

Оддий эман (*Quercus robur*). Баландлығи 35-40 м, диаметри 1-1,5 м га етадиган дараҳт. Үрмөн шароитларыда танаси түғри үсади, шох-шаббаси қалин.



Оддий эманнинг (*Quercus robur*) пирамидал шакли

Оник ерда үсгандан шохлари ён томонға үсіб, көнг шабба ҳосил қиласы. Унинг пирамидасимон, шарсимон шаббали, мажнунтол сингари манзарали шакллари бор.

Күртаклары бүйига ёрилған, түқ күлрангда булади. Ёш шаклори ва новдалары ҳам құнғир-қизғиши рангда, қирра-шаббали, күртаклары овал шаклда, иирик булыб, новданинг учидан булып жойлашади. Юқориги күртаклары үткір учли, аспапатаси иирикроқ. Барлары оддий тузилған, спираль шаббали, кузда түкилиб кетади. Барлары пластинкасы тескари түмениң шаббали, патсимон бұлакли, бұлаклары юмалоқ учы тұмтоқ.

Гүлшоғемалары узун бандлы булыб, сентябрь ойидан башталып, айниқса, кузги совуқдан кейин түкила бошлайды. Ашыл жыл шаклда ва иирик-майда булиши мүмкін.

Оддий әмманнинг илдизи бақувват үқ илдиз бұлиб, ертеңде 10-12 м га яқин кириб боради. Шамолга чидамли, 500-600 жылға дейін созылады. Сөвүққа ҳам чидамли дараҳт, ёруғсевар вәхар хил тупроқда үса олади, лекин нам тупроқ унинг үсінші учун әнг қулай шароитдир. Шаҳар шароитларида газгана қуруқ иссиққа чидамли. Эмманнинг шох-шаббаси пирамидасимон шакли шаҳар шароитларида йүл чеккаларига, тротуарлар бўйлаб аллеялар барпо этишда кенг қўлланилади. Ландшафт қурилишда хиёбонларга, паркларга ва сув ҳавзалиари бўйлаб экиш тавсия этилади.

Үткир баргли заранг (*Acer platanoides*). Баландлиги 30 м га етадиган катта дараҳт. Шох-шаббаси қалин, кенг, юмалошаклда, барглари йирик панжали, үткир учли, беш бўлакли бўлакларининг учи юмалоқ-тўмтоқ. Бу заранг барг ёзишда олдин – апрель ойида гуллайди, гуллари сариқ-яшил, айрижинсли бўлади.

Меваси сентябрь ойида етилади ва узоқ вақт дараҳтди сақланади. Уруғи йирик, ясси тузилган, қанотчалари бор. Уруғлари экишдан аввал 3 ой давомида стратификацияни қилинади, сўнг кўчатзорга сепилади. Табиий ҳолда куздик тўкилган уруғлари эрта баҳорда униб чиқади. Үткир баргли заранг ёш вақтида тез үсади, сўнг үсиши секинлашади.

Илдиз тизими үқ илдиз типида бўлади. Асосий илдизи ерга чуқур кирмайди, бироқ бақувват ён илдизлари ниҳоят да сертармоқ бўлади. Бу дараҳт тұнкасидан кўкаради, пархицийули билан кўпаяди, у 150-200 жылғача яшайди. У япроқли ва аралаш ўрмонларда бошқа дараҳтлар билан бирга үсади. У етарли даражада совукқа чидамли. Баргининг йирик шох-шаббасининг қалин бўлиши унинг сояға чидамлилиги ни билдиради. У ер танлайди, шўртоб тупроқда үса олмайди. Нам тупроқни хоҳлайди, курғоқчиликка чидамсиз.



Үткир баргли заранг (*Acer platanoides*).

Зарангнинг ёғочи қимматбаҳо ҳисобланади. У тиник сағири қизғиши рангда, оғир, қаттиқ бўлади. Гули нектарли. Анишаш жойларини кўкаламзорлаштиришда катта роль оғирлайди, чунки унинг қизил барги ва шарсимон шох-шаббаси чиройли тус беради. Ўрмон ландшафтшунослигига мелиорацияси ишларида ҳам муҳим ўринни эгалайди. Хиёбонлар, парклар ва аллеяларга кўплаб экилади.

